



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
17 март
ШАНБА
№ 22
(12.450)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

КИЧИК БИЗНЕС

ТАЪМИ ОФИЗДА ҚОЛАДИ

Тадбиркорлик фаолияти билан эркин шуғулланиш мустақиллик йилларида ишнинг кўзини биладиган кишиларга берилган энг катта имкониятлардан бири бўлди.

Хусусан, Қибрай тумани Янгиобод қишлоғидаги "Тўқай-тепа" маҳалласида истиқомат қилувчи Равшан Мўминов бундай имкониятдан оқилона фойдаланиб, ўзи ва маҳалла-қўй, қолаверса, бозорни қандолатлар, шунингдек, маҳаллий ёшлардан 14 нафарини доимий иш билан таъминлади.

– "Хушрўй-ширин қандолат" масъулияти чекланган жамиятимизни 2004 йилда ташкил этган эдик, – дейди корхона раҳбари Равшан Мўминов. – Дастлабки пайтларда бироз қийинчилик бўлди, албатта. Аммо жамоанинг ўз ишига садоқати ва меҳнатқашлиги туфайли бу қийинчиликлар ортада қолди. Бугун машаққатли меҳнатимизнинг самарасини кўраёلمиз.

Айни кунларда "Хушрўй-ширин қандолат" Россия Федерациясидан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида 8 хил қандолат ишлаб чиқариб, Тошкент шаҳри ва вилоят истеъмолчиларига етказиб бермоқда.

Равшан ОМОНОВ.
СУРАТАА: (чапдан-ўнганга) корхона ишчилари Турсунои Тўланбоева, Дилфуза Меҳридинава, Нигора Нематова.
Собир ЗУФАРОВ олган сурат.



ТАДБИР

ЙЎЛ-ЙЎРИҚЛАР БЕРИЛДИ

Вилоят ҳокимлигида хотин-қизлар кўмитаси, "Тадбиркор аёл" ва ҳунармандлар уюшмалари, Марказий банк вилоят бўлими ходимлари йиғилиши бўлиб ўтди. Асосий эътибор Мустаҳкам оила йилида маҳаллаларда ҳунармандчилик ва тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятидаги оилаларга ёрдам бериш ҳамда йўл-йўриқ кўрсатишда ҳамкор ташкилотлар савий-ҳаракатларини янада жонлантиришга қаратилди.

Анжуманда вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмасининг йиллик ҳисоботи тингланди. Чирчиқ шаҳар "Тадбиркор аёл" уюшмасига раҳбарлик қилиб келган Ражаббиди Эгамбердиева вилоят "Тадбиркор аёл" уюшмасига раис этиб сайланди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева сўзга чиқиб, бу йил бажарилиши лозим бўлган усту-

вор вазифалардан бири – тадбиркор аёлларга кредит ажратиш, улар фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш масаласига алоҳида тўхтади.

Шаҳар ва туман уюшма раислари йиғилиш сўнгига ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

2012 ЙИЛ - МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛАРГА – ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР

Халқ демократик партияси Чиноз туман кенгаши ва Халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи ташаббуси билан Эски Тошкент қишлоғида "Маҳалла – аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази" лойиҳаси асосида "Оила – муқаддас даргоҳ" ижтимоий-сиёсий ва маданий анжумани ўтказилди.

– Қишлоғимиздаги 13 та маҳалла оқсоқоллари ва маслаҳатчилари олиб борилган ишлар фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшлар, аёллар, кўп болали хонадонларни хусусий тадбиркорликка жалб қилиш, ҳар бир оиланинг, бутун маҳалла аҳлининг турмуш фаровонлиги-

ни ошираётир, – деди Эски Тошкент қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Халқ депутатлари Чиноз туман Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Анвар Собиров.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Саидвали Аҳмедов, вилоят партия кенгаши раиси

нази маҳалла", "Аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашга энг кўп ҳисса қўшаётган маҳалла" номинациялари бўйича голиб чиққан маҳаллаларнинг оқсоқоллари рағбатлантирилди. Қишлоқнинг ўн нафар тадбиркорларига имтиёзли кредитлар олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

Анжуманда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Жўрабек МУРОДОВ.

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 мартдаги 154-ф-сон фармойиши талабларидан келиб чиқиб, Наврўз умумхалқ байрамини муносиб нишонлашга тайёргарлик кўриш, миллий қадриятларимизга хос бўлган ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни янада кучайтириш, беғараз ёрдам, меҳр-муруват каби эзгу фазилатларни юксалтириш, маҳаллалар, аҳоли тураржойларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, вилоятнинг барча ҳудудларида санитария ҳолатини яхшилаш ҳамда "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида жорий йилнинг март-апрель ойлари ободонлаштириш ва

кўкаламзорлаштириш ойлари ҳамда 17-18 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилади.

Вилоят ҳокимининг 2012 йил 10 мартдаги 39-ф-сонли фармойишининг 6-бандига асосан бошқармалар, ташкилот, муассаса, идора ва корхоналарда меҳнат қилаётган ходимларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағлари Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими бошқарувининг банкдаги жорий ҳисоб рақамига туширилади.

Ушбу маблағлар "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурида кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ногирон ва ёлғиз кексаларни, иқтидорли ногирон ёшларни

қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатиш, ёш оилаларга ижтимоий ёрдам бериш, болалар майдончаларини таъмирлаш, шунингдек, уларни керакли спорт анжумлари билан жиҳозлаш, маҳаллаларнинг моддий-техник базасини яхшилаш каби тадбирларга сарфланади.

Шу муносабат билан умумхалқ ҳашарида иштирок этган жамоаларнинг бир кунлик иш ҳақи миқдоридаги маблағ 2012 йил 20 мартга қадар жамоат фондининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилади:

20212000500132942001, МФО 00987, ИНН 200548395, ОАТБ "Қишлоққурилишбанк" вилоят минтақавий филиали.

ЭКСПЕРТЛАР: РОГУН ГЭСИ ҚУРИЛИШИДАН ВОЗ КЕЧИШГА ТЎҒРИ КЕЛАДИ

Таниқли россиялик эксперт Леонид Папирин "Замонавий тадқиқотлар ўтказилганидан сўнг Роғун ГЭСи қурилишидан воз кечишга тўғри келади" деган фикрини илгари сурмоқда. Польшада 2011 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган "Дунёнинг геосиёсий ҳаритасида Марказий Осиёнинг ўрни" мавзусидаги семинарда маз-

кур эксперт Тожикистондаги Роғун ГЭСи қурилиши билан боғлиқ жиддий муаммолар ҳақида сўзлаб берди. 2005-2007 йилларда эксперт Роғун ГЭСи қурилишини асослаш учун муҳандислик-геологик қидирув ишлари материалларини батафсил ўрганиб чиққан эди. Қуйида унинг маърузасидан парчалар келтирилмоқда.

хариталаш ва ўпирилиш жараёнларини ўрганиш геофизика ишлари олиб борилмаган ҳолда олдиндан ўтказилганидан далолат беради.

Туз тошларини хариталаш ишлари бажарилмаган. Матнда асосий кўчиқлар ҳисоб-китоби бажарилгани қайд

(Давоми 2-бетда).

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган давра суҳбати республика Президентининг "Сел, сув тошқинлари ва ер қўқиси билан боғлиқ favкуллода вазиятларда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва ҳудудларини муҳофаза қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида жойларда олиб борилаётган ишлар таҳлилига бағишланди.

ТАБИАТ МУҲОФАЗАСИ – ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ

Тадбирда вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси, favкуллода вазиятлар бошқармаси, "Саноатгео-контхназорат" Тошкент минтақавий инспекцияси раҳбарияти ва бошқа тегишли ташкилотлар масъуллари иштирок этди.

Иштирокчилар қарорда белгиланган вазифаларнинг ижроси қанчалик долзарблиги, шу мақсадда амалга оширилаётган ишларнинг доимий назорати муҳимлигини алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, масъул ташкилотларнинг доимий ҳамкорлиги яхши натижалар бериши, юзага келадиган муаммоларни ҳал этишда муҳим омил эканлиги қайд этилди.

Табиатни муҳофаза қилиш кўмитаси бу борада мақсадли дастур тузган. Жумладан, қарорда белгиланган ишларнинг ижроси юзасидан алоҳида комиссия ишламоқда ва доимий навбатчилик ташкил этилган. Вилоят ҳудудидан ўтадиган Оҳангарон, Чирчиқ, Сир-

дарё ўзанларини тозалаш, дарё қирғоқларини мустаҳкамлашда ҳудудларда кенг тарқалган фойдала қазилмаларни қазиб олувчи корхоналар билан тегишли чора-тадбирлар кўриломоқда.

Тадбир давомида вилоят favкуллода вазиятлар бошқармаси, "Бошдавэко-экспертиза" ва бошқа ташкилотларнинг 2012 йилда сел, сув тошқинлари ва ер қўқисидан вилоят аҳолиси ҳамда ҳудудларини муҳофаза қилиш учун ўз йўналишларидан келиб чиқиб, амалга ошираётган ишлари таҳлилига тўхталиб ўтилди.

Давра суҳбатида наомийш этилган видеороликлар орқали иштирокчилар favкуллода вазиятларда аҳоли ва ҳудуд химиясида муҳим бўлган вазифалар ҳақида кенг маълумот олдилар. Тадбир давомида ҳар бир ташкилот раҳбари ва масъулларга тегишли вазифалар белгилаб берилди.

Равшан НЕМАТОВ.



ҚИБРАЙ ТУМАНИ

ДОШҚОЗОНЛАРДА ҚАЙНАР СУМАЛАК

Туман ҳокимлиги, "Миллий тиклиниш" демократик партияси, "Хунарманд" уюшмаси ва бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда "Хуш келдинг, Наврўз!" сайли ташкил этилди.

Дошқозонларда тайёриланган палов, сумалак каби ҳам миллий, ҳам баҳорий таомлар кексаю ёшларга бирдек манзур бўлди. Алла, лапар каби халқ санъати намуналари рақсларга улашиб кетди. Наврўз сайиллари ҳар бир шаҳар ва туман маҳаллалари гузарларида давом этмоқда.

Равшан РУСТАМОВ.

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

САВОДХОНЛИК БАЙРАМИ

4-умумтаълим мактабида 1-синф ўқувчиларининг "Саводхонлик байрами" бўлиб ўтди.

Байрамда жажжи ўғил-қизлар ўзбек тилидаги барча ҳарфларни театрлаштирилган сахна кўриниши орқали наомийш этиб, йиғилганларни хушнуд қилдилар.

Шунингдек, улар дарс жараёнларида олган бидали ва кўникмаларини ёд олган шеърлари орқали кўрсатиб бердилар. Тадбир шўх куй-кўшиқларга улашиб кетди.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ

КАМОЛОТ МАЛИКАЛАРИ

19-умумтаълим мактабида стол теннис бўйича "Камолот маликаси" анъанавий спорт мусобақасининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туманларда голибликни қўлга киритган 108 спортчи қиз иштирок этди.

Беллашувда 1-ўрин ангреник Нурсулув Имомбоева ва Регина Кимлог этди. Иккинчи ва учинчи ўринларга Ангрэн шаҳри, Юқори Чирчиқ ва Бўстонлик туманидан ташкилотларнинг эсдалари буюрган вакиллар сазовор бўлишди. Голиб ва совриндорларга ҳокимлик, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ва бошқа хомий ташкилотларнинг эсдалари соғвалари топширилди.

БЎСТОНЛИК ТУМАНИ

КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

Туманда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркаси уюштирилди.

Унда 45 га яқин корхона ва ташкилотлар қатнашиб, мавжуд иш ўринларини тақдир этди. Ярмаркада иштирок этган 600 дан зиёд ўғил-қизларнинг кўпчилиги ўзлари истаган корхона, ташкилотлар билан шартнома имзолادилар.

Ирода МАКСУД қизи.

УНИ АСРАШ БУРЧИМИЗДИР

22 март – Бутунжаҳон сув ресурслари кунини муносабати билан республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ҳамда "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди ташаббуси билан тадбир уюштирилди.

"Сув ресурсларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари" мавзусида ўтган йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик, идоралар, жамоат ташкилотлари ходимлари иштирок этди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизда сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг самарали чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот олиб боришни янада кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Тадбир сўнгига иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

